



Tadqiqot **UZ**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№22

30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
8-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-8**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-8**



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 19 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8. Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11. Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20. Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21. Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АДАБИЁТ

1. Хайитбойева Маhbуба Артикбайевна FARZAND TARBIYASIDA KITOBNING O'RNI	7
2. О.Авазназаров “ФАВОЙИДУ-Л-КИБАР”ДА СОҚИЙ ОБРАЗИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ	9
3. Tursunova Charos Toshmurotovna THE REPRESENTATION OF IDIOMATIC WORD-COMBINATIONS AS A LEXICAL CONCEPT OF A MENTAL PICTURE.....	11
4. Дурдона Одилова ОЙБЕК ИЖОДИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ ТАКОМИЛИ	13
5. Jalilova Shaxlo Boymurodovna BUGUNGI KUN ADABIYOTI VA UNING TA'SIRI.....	15
6. Mahmudova O'lmasxon Nabijonovna ABDULLA AVLONIY-O'ZBEK PEDAGOGIKASINING YORQIN NAMOYONDASI	17



АДАБИЁТ

FARZAND TARBIYASIDA KITOBNING O'RNI

*Sirdaryo viloyati Mirzaobod tumanidagi
12-umumta'lim maktabi ingliz tili o'qituvchisi
Xayitboyeva Mahbuba Artikbayevna
Telefon:+998972472286*

Annotatsiya: Ushbu maqolada farzandlar tarbiyasida kitobning o'ziga xos o'rni, farzandlarimizni komil inson qilib tarbiyalashda kitobning xissasi va bugungi kunda yurtimizda kitobxonlikka bo'lgan e'tibor haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: "Javondagi javoxir", "Umr yo'limizni nurafshon qiluvchi mash'ala".

*Kitobsiz uy –qalbsiz tanaga o'xshaydi.
Sitseron*

Kitobning inson hayoti va uning ma'naviy kamolotida o'rni muhim va beqiyosdir. Kitob -hayot deb atalmish, toshqin daryoda o'z o'rnimizni topishimizda, ezgulikka muhabbat, yovuzlikka nafrat uyg'otishda, dunyoqarashimizni boyitishda, ongimizni o'stirish va bilim va tafakkurimizni rivojlantirishda bizga xizmat qiluvchi beminnat do'stimizdir. Barchaga ma'lumki, farzandlarimiz oilamizni mustahkamlovchi asosiy bo'g'in va ota-onani umrini uzaytiruvchi ildizdir. Zero, Buyuk muhaddis olim Imom Al Buxoriy "Agarda sen dunyoda unutilmay yashashni xohlasang, o'zingdan yaxshi zurriyod va kitob qoldir" deb bejizga aytmaganlar. Bugun shiddat bilan rivojlanayotgan davrda yashar ekanmiz, har birimiz farzandimizni tarbiyasiga befarq bo'lmasligimiz lozim. Yoshlikdan farzandlarimizni javondagi javoxirga oshno qilmog'imiz, qorong'u yo'limizni nurafshon qiluvchi mash'alamizni o'zimiz va farzandlarimizga do'st bilmog'imiz kerak. Doimo kitob mutolaa qiluvchi inson atrofga teran va tanqidiy nigoh bilan nazar solishni o'rganadi. Kitobni farzandimizga oshno qilish uchun, avvalo, o'zimiz shaxsiy namuna ko'rsatib, kitob mutolaa qilishimiz va farzandimizni kitob do'konlariga olib borib o'zi xohlagan kitoblarni olib berishimiz lozim. Har bir o'qilgan kitob haqida farzandimiz bilan suhbat qurib, unga yoqqan qahramonlarni suratini chizishimiz, ijobiy va salbiy qahramonlar haqida hikoya yoki insho yozishga farzandimizni undashimiz lozim.

Farzandlarimiz bilim xazinasi bo'mish kitob bilan do'st tutinsa, nur ustiga a'lo nur bo'ladi. Chunki kitobni sevib mutolaa qiladigan inson dunyoqarashi keng, tafakkuri boy va qalbi ezgulik nuri bilan to'lgan bo'ladi. Kitob orqali farzandimiz dunyo taniydi, nutqini, fikrini har doim qiynalmasdan ifoda qila oladi. Bir so'z bilan aytganda, inson uchun havo qanchalik zarur bo'lsa, farzand tarbiyasida kitobning ham o'rni havodek zarur deb o'ylayman. Hozirgi kunda yurtimizda kitobxonlikni rivojlantirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan desam, mubolag'a bo'lmaydi.

Zero, yurtboshimiz tomonidan ilgari surilgan besh tashabbusdan biri, oilada kitobxonlik madaniyatini shakllantirish va bolani kitobxonlikka o'rgatishdir. Ushbu tashabbusdan kelib chiqqan holda yurtimizda kitobxonlikni rivojlantirish uchun "Yosh kitobxon" ko'rik tanlovi joriy qilingan bo'lib, bu tanlov yurtimizda kitobxonlik madaniyatini rivojlantirishda muhim qadam bo'ldi. Yurtboshimiz tashabbuslari bilan nashriyotlar faoliyatiga jiddiy e'tibor qaratildi. Hozirgi kunda farzandlarimizning yoshlari va qiziqishlaridan kelib chiqqan holda o'zlari uchun kerak bo'lgan barcha turdagi kitoblarni kitob do'konlaridan bema'lol harid qilishlari mumkin. Bundan tashqari jahon adabiyoti durdonalari bo'lgan asarlarning elektron va audio nusxalari ham yaratilgan bo'lib, bu ham xalqimiz orasida kitobxonlikni targ'ib qilishda muhim rol o'ynaydi. Yurtimizning chekka, olis hududlarida kitoblar ortilgan avtomobillar karvoni xalqimizni kitob bilan taminlashda o'zlarining beminnat yordamlarini ayamay kelishmoqda. Qolaversa mana



shunday olis hududlarda aholiga xizmat qiluvchi kutubxonalar tashkil etilmoqda. Kitobxonlikni rivojlantirish yo‘lida axborot resurs markazlari faoliyati ham yanada takomillashtirildi. Albatta, bugun tashlangan qadam kelgusida kelajakka o‘rnatilgan poydevor bo‘lib xizmat qiladi va davlatimiz tomonidan amalga oshirilayotgan ushbu chora -tadbirlar tez orada o‘z mevasini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. To‘raqulova O.A “Adabiyot darslarida mutolaa madaniyatini rivojlantirishga doir” Zamonaviy ta’lim” jurnali Toshkent-2019, 14-15-bet,
2. “Kitob va kitobxonlik-inson manaviyati ko‘zgusi” internetma’lumotlari <http://www.uzdon.uz/news/info/events/873>



“ФАВОЙИДУ-Л-КИБАР”ДА СОҚИЙ ОБРАЗИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

*О.Аваз Назаров,
ҚаршиДУ, таянч докторант
Телефон: +998973111033
odilbek.avaznazarov@mail.ru*

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоий ижодида кенг қўлланган соқий образининг “Фавойиду-л-кибар” девонидаги ўрни, қўлланиш усуллари, талкинлари хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: “Фавойиду-л-кибар”, соқий, соқийнома байт, образ, поэтика.

Мумтоз туркий девончилик намунаси ҳисобланган “Фавойиду-л-кибар” “Хазойину-л-маоний” куллиётининг тўртинчи девони бўлиб, ундан тўққиз лирик жанрга мансуб 793 шеър ўрин олган. Ушбу шеърлардаги поэтик ҳақиқатларни очиб бериш Алишер Навоийнинг ижодкор сифатидаги маҳоратини кўрсатиб берувчи муҳим омилдир. Бунинг учун, бизнингча, ишни девон матнида тимсол яратишда шоир томонидан энг кўп маротаба мурожаат этилган сўзлар тадқиқидан бошлаш самарали. Соқий – ана шундай тимсоллардан бири. Ушбу тимсол девонга киритилган тўққиз жанрнинг тўрттасида, яъни ғазал, мустазод, таржиъбанд ва соқийнома таркибида учрайди. Соқий девондаги 650 ғазалнинг 100 тасида, яъни 15 фоизида 105 маротаба; мустазод ва таржеъбандда бир маротабадан, ҳамда соқийномада 35 маротаба қўлланилади. Демак, ушбу тимсол девондаги 793 шеърдан 103 тасида, яъни қарийб 13 фоизида иштирок этади. Ушбу сўз 24 хил – соқиё (83), эй соқий (17), соқий (13), эй соқийки (5), соқийи даврон (3), соқийи маҳваш (2), соқийға (2), соқийи раҳмат (1), соқийи Кавсар (1), маҳваш соқий (1), соқийи мавзун (1), турфа соқи (1), соқийи гулчехра (1), эй соқийи гулчехра (1), эй базму тараб соқийси (1), соқийи давр (1), гар соқий (1), пири соқийваш (1), ё соқий (1), шўх соқий (1), соқийи ишқ (1), соқийи ширин (1), соқийи ажал (1), соқийи шанг (1) шаклларида қўлланган.

Соқий сўзининг турфа шаклларда қўлланилишини вазн ҳамда мазмун талаби, шунингдек, ижодкор поэтик услубига боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Жумладан,

Хумор дофеи бўлғайму соқийи Кавсар,

*Бу дайр ичинда майи ишқ ичмаганга тўло (Ф.К., 7-ғазал),
байтида мужтасс,*

Соқиё, аҳбоб ҳажри қатлим айлар – бода тут

*Ким, бу қотил заҳр тарёки эрур саҳбо манга (Ф.К., 11-ғазал),
байтида рамал,*

Соқийға ваё аксига май ичра боқармен,

*Андин мунга, мундин анга чун топмадим ашбах (Ф.К., 526-ғазал),
байтида ҳазаж баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади.*

Куйидаги бир неча байтларда мазмун талаби билан ушбу тимсол турли бирикмалар таркибида қўлланилади:

Даҳр базмида, дамо-дам соқийи даврон тутар,

Бода, билмон, лаългун майдурму ё қондурму ул? (Ф.К., 364-ғазал)

Бало базмида соқийи ажал жоми фано тутса,

Тағор ўлсунки, оғзимга қуюб сипқарғудектурмен. (Ф.К., 493-ғазал)

Соқийи ишқ, чунки урди сало,

Тутмади элга гайри жоми бало. (Ф.К., 574-ғазал)

Девонда ушбу сўзнинг қўлланилиш ҳолатларида ижодкор поэтик услубига боғлиқ қуйидаги жиҳатлар кўринади. Хусусан, девоннинг аксарият ўринларида бу тимсол эй соқий, эй соқийки, соқиё, ё соқий, эй соқию, соқий шаклларида қўлланилиб, синтактик жиҳатдан ундалма вазифасида келади. Бу эса ўз-ўзидан шеърда риторик мурожаат услубини юзага келтиради. “Қадимги даврларда (Юнон-Рим) нотиклик санъатининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган риторик мурожаат бадиий адабиётда услубнинг ҳиссийлигини таъминловчи омиллардан бирига айланган” [2]. Ундалмаларнинг турли хил шаклларда ва ўринлар(яъни мисра боши, ўртаси, охири)да келгани, риторик мурожаат моҳияти, услубий жилоларини эса адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов ҳам таъкидлаганидек, шоирнинг мақсади



ва мурожаат доирасининг (Тангри, пайғамбар, пир, ҳаёт, ажал ва ҳ.) табиати билан боғлиқ ҳолда изоҳлаш мумкин.

Бундай мурожаатлар аксарият ўринларда мисра бошида нидо, хитоб тарзида қўлланилиб, тингловчи диққатини ўзига жалб қилишга хизмат қилади. Ва бундай ҳолатларда лирик қахрамон ишқ изтиробини, ҳижрон азоблари ва бошқа турдаги ўй-фикр, ҳис-туйғу, кечинмаларини кимга ёки нимагадир изҳор қилиш мақсад қилинади. Масалан,

*Соқийё, ҳажр хуморидин ўлармен – раҳм эт,
Чархни зарф қилу улки билурсен мазруф. (Ф.К.,303-газал)*

Нидо, хитоб кўринишидаги бундай мурожаатлар баъзи ҳолларда мисра ўртаси ва охирида келади. Жумладан,

*Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоқи
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам. (Ф.К.,420-газал)*

*Бу дашт қатъи ажаб саъб эрур, тут, эй соқий,
Тўла қадаҳки, гамим баҳри янглиғ ўлса амиқ. (Ф.К.,309-газал)*

Кўриниб турибдики, кўпинча бундай ҳолларда ижодкорнинг ёки лирик қахрамоннинг борлиқ, унинг қайсидир жузвлари билан боғлиқ субъектив муносабатлари акс этади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, соқийга мурожаат соқийнома жанридаги ҳамда бу жанрга мансуб бўлмаган шеърларда қўлланмоқда. Бу икки ҳолат шакл ва моҳият жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Хусусан, ғазаллар таркибидаги байтларни проф. Муҳаммад Шафев айтганидек, “жумла тарзидаги соқийнома” (“соқийномаи фи-л-байти”), деб айтиш мумкин [1.2]. Соқийнома кўринишидаги бундай байтлар Навоийгача бўлган ўзбек адабиётида, жумладан, Лutfий ғазалларида, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Хўжандийнинг “Латофатнома”, Саид Аҳмаднинг “Таашшукнома” каби асарларида поэтик хулосаларнинг ифодаси учун оз миқдорда бўлса-да қўлланилган. Салафлари ижодида маълум доирадагина қўлланган бу усул Навоий томонидан “Хамса” ҳамда “Хазойину-лмаоний”да асосий поэтик усуллардан бири даражасига кўтарилди. Ҳаттоки, Навоий ўзбек мумтоз адабиётида бу усулни илк бор жанр даражасига кўтаради.

Демак, “Фавойиду-л-кибар”да ғазаллар таркибидаги соқийнома байтлар ҳамда соқийнома жанрига оид шеърни қиёслаганда улар моҳият нуқтаи назаридан ҳам ўзаро фарқланиши кузатилади. Яъни, соқийнома байтларда ижодкор қарашларидаги биргина нуқтага диққат қаратилса, соқийнома жанрида эса кўпдан кўп фалсафий, ахлоқий, ижтимоий мушоҳадалар, қарашлар, хулосалар акс этади.

Хулоса қилиб айтганда, “Фавойиду-л-кибар” матнидаги соқий образи тадқиқига атрофлича ёндашилса, девоннинг маъно-моҳиятига, қолаверса, Навоий даҳосининг бадиий маҳоратига доир кўпгина янги қирраларни очиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маоний. 10 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
2. Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – Б. 150.



THE REPRESENTATION OF IDIOMATIC WORD-COMBINATIONS AS A LEXICAL CONCEPT OF A MENTAL PICTURE

*Tursunova Charos Toshmuratovna
Samarqand Davlat Chet Tillar Instituti
Xorijiy til va adabiyoti 2-kurs magistranti
Telefon: +998976140709*

Abstract: This article focuses on the way in which idioms are mentally represented and how they are processed in on-line comprehension. The aim is to develop an account of how hearers understand unfamiliar idioms, familiar idioms and idiom variants.

Key words: idioms, phraseology, comprehension, utterance.

It will be argued that idiom meanings are represented and stored holistically in the form of structured phrasal concepts, and that their comprehension is achieved through just the same processing mechanisms as the comprehension of non-idiom strings. The account is grounded in two main assumptions. First, our powerful inferential interpretive abilities enable us to create and understand concepts ‘on the fly’. Second, the utterance comprehension process, which often involves such ad hoc concept construction, is regulated not by an expectation of literalness but by an expectation of optimal relevance.

The mental representation of idioms determines considerably how those idioms are processed in a particular utterance. Also, the information that is represented on-line often depends on the information available in the context where the idiom is processed. Therefore, an adequate account of idioms needs to provide some answers to two basic and highly related questions: How are idioms represented in the mind? And, how are idioms processed?

For many years, the standard way of looking at idioms has been to consider them words (lexical items) which are listed and retrieved as chunks from the lexicon. According to this view, there is no need to worry about idioms, no need for a complex theory of how to communicate with them. The motivations for claiming this are based on the belief that the meaning of an idiom is in no way recovered from the meanings of its individual constituents and that idioms behave as syntactic as well as semantic units. That is, there is nothing in the meanings of ‘the’, ‘kick’ and ‘bucket’ that tells us that *kick the bucket* means *DIE*.

Furthermore, there is no way, once we are familiar with the idiom, to break up its meaning into the individual constituents of the string. Finally, since idioms are inserted in the syntactic structure, the prediction is that very little modification is going to be permitted. This makes it impossible for having idiomatic reading. *The bucket was kicked by Peter.

Since the main argument of the standard model presented here is that idioms are represented as non-compositional strings in the lexicon, it is often known as the ‘non-compositional model’ of idiom comprehension. Several psycholinguistic accounts have been proposed following this line of thought.

The literal first hypothesis Bobrow & Bell propose the idiom list hypothesis (or literal first hypothesis) in which they argue that idioms are mentally represented and processed as lexical items. They are not only listed as long words but independently stored in an idiom lexicon different from our normal mental lexicon. According to this view, literal reading is not optional and comes prior to retrieving the idiomatic meaning. This position predicts a complex three-step comprehension model. The hearer must first process the literal meaning, then reject the interpretation and finally check the idiom lexicon and provide a correct interpretation.

This psycholinguistic account reminds us of standard pragmatic Gricean views on figurative language understanding. The speaker uttering a figurative expression can be taken to be flouting the maxim of truthfulness or literalness. Although he would be taken to be co-operative at a deeper level, this pragmatic model also favors the literal first hypothesis. Current literature on psycholinguistics and pragmatics, however, provides good evidence to challenge the priority of literal interpretation.

The simultaneous processing hypothesis Swinney & Cutler also argue against the priority of literal interpretation and propose the lexical representation hypothesis (or simultaneous processing hypothesis) which defends parallel processing instead. The motivation for departing



from the idiom list hypothesis comes from experimental findings that show subjects do not take longer to understand idioms (e.g. kick the bucket) than literal strings (e.g. ‘strike the pail’).

Coherent with these findings, Swinney & Cutler propose a model of parallel processing. Idioms are also viewed as mentally represented and processed as lexical items but are considered to be stored in the normal (and not in a special) lexicon. Thus, when a hearer/reader encounters the first constituent word of an idiom string, both figurative and literal processing run in parallel. However, the figurative interpretation is often soon favored.

The figurative first hypothesis Gibbs presents the direct access hypothesis (or figurative first hypothesis) which departs even more radically from Bobrow & Bell’s account. This hypothesis proposes that idioms are to be considered lexical items whose idiomatic meaning is retrieved directly from the mental lexicon as soon as the string starts to be heard. Gibbs points out an interesting possibility that challenges Swinney & Cutler’s account. He suggests that the finding that idioms (e.g. kick the bucket) are processed faster than literal strings (e.g. ‘strike the pail’) does not necessarily imply that literal processing must take place at all. According to his account, the literal reading is not only not prior to the idiomatic one but it can also be completely bypassed. Gibbs moves to a different account in later work in which he still defends the priority of figurative processing. His new line of thought, which is highly influential, is based on the idea that the linguistic form of the idiom is often not completely unmotivated.

Whenever current accounts of idioms mention non-compositional views it is to criticise them for being unable to account for idiom flexibility. That is, for the existence of idiom variants. As has been shown, storing idioms as lexical items is problematic since on that basis no modification, or very little, is expected. Another problem is that some of these views seem to imply that idiomatic meaning can be literally paraphrased. That is, kick the bucket is seen as meaning the same as the verb ‘die’ and spill the beans as meaning the same as the expression ‘reveal a secret’.

The account I will develop departs from this position for several reasons, the main ones being that idioms cannot be paraphrased without loss and that the concept encoded by the use of an idiom goes beyond logical links with related concepts (e.g. DIE, REVEAL). For instance, the concept encoded by the idiomatic expression kick the bucket contains information about the manner of death, the attitude involved and something imagistic, among other things. Thus, *kick the bucket* does not mean just DIE as one would not say of a criminal who died by execution or a patient that passed away after a long illness that they kicked the bucket.

All in all, there is a great advantage in the approaches presented so far which is commonly unnoticed. A consequence of viewing idioms as lexical items is that they can be seen as holistic conceptual entities. Hence, it seems that an adequate approach to idioms needs to account for their flexibility, but also for the complexity and holism of their conceptual representations.

Bibliography:

1. Barsalou, L. W. The instability of graded structure: implications for the nature of concepts. *Concepts and Conceptual Development: Ecological and Intellectual Factors in Categorization*. New York: 1987/ Cambridge University Press. P.101-140
2. Barsalou, L. W. Deriving categories to achieve goals. *The Psychology of Learning and Motivation*. New York: Harcourt Brace Jovanovick Academic Press Inc. Bobrow, S. & S.2001. P.1-64
3. Bell & Bobrow. On catching on to idiomatic expressions. *Memory and Cognition* 1: 1973. P.343- 346.
4. Cacciari, C. The place of idioms in a literal and metaphorical words. *Idioms: Processing, Structure, and Interpretation*. Hillsdale, New Jersey: Lawrence Erlbaum. 2003. P.27-52
5. Cacciari, C. & S. Glucksberg Understanding idiomatic expressions: the contribution of word meanings. *Understanding Word and Sentence*. Amsterdam: Elsevier. 2001. P. 217-240



ОЙБЕК ИЖОДИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ ТАКОМИЛИ

*Дурдона Одилова, ТошДЎТАУ
Адабиётшунослик (ОАК)нинг
иккинчи босқич магистранти
Телефон: (91) 797 70 26
odilovadurdon@gmail.com*

Аннотация: Ойбек XX аср навоийшунослигига ўзининг бадиий ва илмий асарлари билан тамал тошини кўйган ижодкорлардандир. Мазкур мақолада ёзувчининг тарихий-биографик роман жанрига асос солган «Навоий» романида Навоий образи такоммили ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: тарихий роман, бадиий образ, Навоий образи, тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима

Ойбекнинг серқирра ижодида «Навоий» тарихий автобиографик романи алоҳида аҳамиятга эга. Асар ёзувчига катта шон-шухрат келтирди. Жумладан, адиб 1946 йилда «Навоий» романи учун Давлат мукофоти билан тақдирланди. [1.710 б]

Асарда тарихий бадиий образ масаласи асосий аҳамият касб этади, бу ҳақда таникли адабиётшунос олим Ҳалим Каримов тарихий шахс ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги мулоҳазаларни билдириб ўтади: «Бадиий асар қахрамони этиб танланган тарихий шахс қанчалик буюк бўлмасин, қанчалик серқирра фаолият кўрсатмасин ёки қанчалик қомусий билим эгаси бўлмасин, ёлғиз ўзи маълум бир тарихий даврни тўлалигича акс эттира олмайди. Шунинг учун ҳам ёзувчи йўналиши ва мақсадига хизмат қилувчи қатор образларни асарга олиб киради».[2, 97б.] Хусусан, тарихий асар тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима асосига қурилиб; тарихий давр, тарихий қаҳрамон, тарихий макон трансформациясини асарни шакллантирувчи шакл ва мазмун бирлигига кўчириб ўтказиш орқали яратилади. Адиб Ойбек романидаги Навоий образини 3 полотнода тасвирлайди, булар: Навоий-устоз, Навоий-ижодкор, Навоий-халқ хизматига бел боғлаган инсон. Ҳар бир полотно асар давомида ўз исботини топиб бораверади. Ва асар воқеалар ривожидида акс этади.

Роман воқеаси 18 ёшли йигит – Алишер Навоийнинг Самарқанддан Ҳиротга қайтиши билан бошланади ва Навоий ҳаётининг энг самарали ва энг сермазмун даврларини қамраб олади. Асар воқеаси Навоийнинг ўлимини акс еттириш билан тугайди. Демак, асарда Навоий таржимаи ҳолининг асосий босқичлари ҳаёт ҳақиқатига мос ҳолда ёрқин тасвирланган. Асарда Навоийнинг олижаноб фазилатлари, ажойиб хислатлари, Ватан, халқ ва адабиёт олдидидаги буюк хизматлари бирин-кетин очила боради. Навоий образи романда эл ва халқ учун қайғурувчи, юртнинг бахт-саодати ҳақида жон қуйдирувчи, адолат ва ҳаққоният учун астойдил интилувчи улуғ сиймо сифатида намоён бўлади. Навоий ўз дўстларига насихат қилиб шундай дейди: "...ҳар нечук фалокатни даф етмоққа ғайрат қилмоқ керак... Муборак Ватаннинг, ел-улуснинг саломатлиги учун фидокорлик кўрсатмоқ вазифамиздир. Сиздан тилагим шуки, бир-биримизга, давлатга, юртга вафо, садоқат, муҳаббат билан боғланайлик. Вафо ва муҳаббат – улуғ қудратдир", – дейди.[1.420 б] Ойбек романда буюк шоир образини яратишда ижодкор сифатида Навоийнинг туркий тил ва адабиётга бўлган муносабати тасвиридан ҳам ўринли фойдаланган. Романда ҳаққоний тасвирланганидек, Навоий ўз она тилиси – туркийни дил-дилдан севади. Ойбек романда Алишер Навоий бошқа тилларни ҳеч бир камситмаганлигини тўғри таъкидлайди. Романда Навоий шоир Биноийга эътироз билдириб: "Биз форс тилининг қудрат ва аҳамиятини, у тилдаги асарларнинг хусн ва салобатини ҳеч вақт инкор етмадик. Туркийгўйликдан бошлаб форс тилида ҳам қалам сурмоқдамиз. Аммо тилимизнинг афзаллиги биз учун улуғ ҳақиқатдир. Биз гўдакликдан бу ҳақиқатнинг ишқини кўнглимизга жо қилганмиз, ўлганимизча бу ишқини сақлаймиз!", – дейди.[1.47-48 б] Ойбек романда Жомий билан Навоийни бир-бирига устоз ва шогирд эканини мафтун бўлиб тасвирлайди. Умр ўртасидаги оддий инсоний муносабатлар ҳам самимият билан ифодаланган. Навоий Марвга жўнаш олдидан хайрлашиш ниятида Жомий ҳузурига ташриф буюради. "Навоий" романида Хусайн Бойқаро, Хадича бегим, Мўмин Мирзо, Дарвешали, Биноий, Мажидиддин сингари тарихий шахслар образи бош қаҳрамон Навоий характерини очишда муҳим ўрин тутадилар. Чунки адиб бу образлар воситаси-



да ўша давр ҳаётини ҳаққоний кўрсатган. Бу образлар бош қаҳрамон сифатида танланган тарихий шахс атрофида ҳаракатланиб, асарнинг марказий қаҳрамони бўлган тарихий шахс характер қирраларини тўлақонли тасаввур қилишимизга, ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётини, халқнинг маънавий қиёфасини очиб беришга кўмаклашади.

Келтирилган бадиий асардаги Навоий тарихий образи ҳам тарихий ҳақиқат асосида ёритилган бўлса-да, асардаги ифода усули ёзувчининг асл ижодий маҳорати айричалигини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам бу асардаги Навоий образини таҳлил қилиш орқали ҳам бадиий тўқима, ҳам тарихий шахс тушунчасини яқиндан англаш имконияти пайдо бўлади ва ушбу мақола орқали буни қисман бўлса-да ифода етдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами 19 томлик. «Навоий» 6 том. –Т.: ФАН, 1976. -710-47-48-420 б.
2. .Каримов Ҳ.Тарихий шахс ва бадиий образ.- Т.:Янги аср авлоди, 2006.-97-б
3. Дилмурод Қуроноов. Адабиётшунослик асослари. Т.: 2007



BUGUNGI KUN ADABIYOTI VA UNING TA'SIRI

Jalilova Shaxlo Boymurodovna
Navoiy viloyati Karmana tumani
13- maktab ona tili va adabiyot o'qituvchisi
Telefon:+998(93) 146 01 60
jalilovashahlo13@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada shuni aytish mumkinki, adabiyotning inson hayotidagi asosiy o'rni ta'lim, tajriba va fikr almashishdir. Ammo ko'pchilik hikoyalar muallifi yoki dunyoga mashhur yozuvchilar bo'lmasa ham, uning yordami bilan o'z-o'zini anglash imkoniyati haqida unutmang. Shuningdek, adabiyotni to'g'ri tanlash bilan. O'qishdan ma'naviy zavq olib keladi. Shunday qilib, muallif mutlaqo notanish o'quvchilarga ta'sir qiladi.

Kalit so'zlar: Adabiyot, demokratik erkinlik, badiiy asar, Gorkiy, Nobel, A. Soljenitsin, kitob, muallif, jamiyat, madaniy jarayon, inson, ijtimoiy hayot.

Jamiyatda adabiyot har doim katta o'rinni egallagan va o'ziga xos vazifalar va muayyan vazifalarni bajargan. Adabiyot jamiyat uchun ham, eng yaxshi do'st ham, eng shafqatsiz tanqidchi ham bo'lishi mumkin. Ammo, albatta, adabiyot har doim ijtimoiy hayotning aksi bo'lib kelgan va madaniy jarayonning omillaridan biri bo'lgan.

Insoniyat uning rivojlanishining turli bosqichlarida adabiyotning jamiyatdagi o'rni haqida fikr yuritdi. Hayotdagi o'zgarishlar bilan odamlar ham o'zgaradi. O'zini ifoda etish jarayoni hamma narsani ushlaydi, hamma narsa sotiladigan va sotib olinadigan odamni o'z davrining quliga aylantiradi. Haqiqiy jamiyat kambag'al va boylarga, muvaffaqiyatli va muvaffaqiyatsizlarga bo'linadi. Ko'pincha demokratik erkinliklarning ba'zi yutuqlari, biz esa axloqning pasayishini unutamiz. Va bu har qanday jamiyatning asosiy poydevori, yangi g'oyalar va ma'naviy boylik keltiradigan adabiyotdir: badiiy asarlarda mamlakat tajribasi to'liq namoyon bo'ladi. Adabiyot uning o'quvchisiga jiddiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Mutaxassislar allaqachon badiiy adabiyot ommaviy ongga ta'sir qilishi, odamlarning rivojlanishi uchun ko'rsatmalar yaratishi mumkinligini ilmiy isbotladilar. Va agar adabiyot haqiqatan ham go'zallikka o'rgatsa, insoniyatning eng yaxshi ongidagi fikrlar va fikrlarning mohiyatini aks ettiruvchi yaxshilik va yomonlikni tan olishga o'rgatsa, bugungi kunda bu dunyoni yaxshilaydigan, mehribon qiladigan eng samarali vositalardan biri bo'lib tuyuladi. Gorkiy ham shunday yozgan: Adabiyotning maqsadi - odamning o'zini anglashiga yordam berish, o'ziga bo'lgan ishonchni oshirish va unda haqiqatga intilishni rivojlantirish, odamlarda qo'polliklarga qarshi kurashish, ularda yaxshi narsalarni topa olish, qalblarida sharmandalik, jahl, jasorat uyg'otish, odamlar olijanob kuchga aylanib, o'z hayotlarini muqaddas go'zallik ruhi bilan boyitishi uchun hamma narsani qilish.

Zamonaviy dunyoda adabiyotning ahamiyati to'g'risida mulohaza yuritib, A.I.ning Nobel ma'ruzasiga murojaat qilamiz. Soljenitsin, mukofot topshirilgandan bir necha yil o'tgach, marosimda so'zladi. U o'z nutqida adabiyotning muhim funktsiyalarini chaqirdi: 1. Adabiyot vahshiylik va ezgu ishlar uchun, toqat qilmaydigan va bag'rikenglik uchun yagona ma'lumotnoma doirasini yaratadi; 2. Biror kishiga boshqa bironing hayotiy tajribasini o'ziga xos tarzda singdirishga imkon beradi; 3. Uni avloddan-avlodga o'tkazib, ya'ni millatning tirik xotirasi bo'lsin. A. Soljenitsin aytgan va yozgan narsalarning ko'pi endi bashorat sifatida qabul qilinadi. Uning yozuvchining hozirgi dunyoda 30 yildan ortiq ilgari aytgan so'zlarining ma'nosi haqidagi gaplari dolzarbligini yo'qotmadi.

Adabiyot ayniqsa yosh avlodga katta ta'sir ko'rsatadi. Binobarin, adabiy ta'lim - bu shaxsning o'sishi, u qanday xususiyatlarga ega bo'lishiga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan tashqi omillardan biridir. Adabiyot - bu nima desa ham, biz va dunyodagi mavjudligimizdir. Albatta, bu odamlar hayotida katta rol o'ynaydi. Butun insoniyat miqyosidan kelib chiqqan holda, adabiyot asari rivojlanish va evolyutsiyada juda muhim va ajralmas yordamchidir. Ko'pchilikning badiiy adabiyot bilan tanishishi chuqur bolalikdan boshlangan. Har kim biladiki, ota-onalar yotishdan oldin bolalariga ertaklarni o'qib berishadi. Shunday qilib, ijobiy va yaxshi xususiyatlar bolada uyg'onadi, nima yaxshi va nima yomonligini tushunadi. Keyinchalik inson duch keladigan adabiyotlar yanada jiddiy va foydali bo'ladi. Bunday adabiyotlarning roli o'quvchini o'qitishdir. Biz saboqlarni muallifning bilimlari, turli narsalarga bo'lgan qarashlari, qadriyatlarini orqali olamiz.



Inson san'at asarlari yordamida u hali bo'lmagan hayotiy tajribani qabul qilishi mumkin. Biroq, har doim boshqalarning ishlaridan aksioma sifatida saboq olishning hojati yo'q. Ko'pincha adabiyot bizdan fikrlash, tahlil qilish va kelishmovchiliklarni keltirib chiqarishni talab qiladi. Bu o'quvchilar va kitoblar o'quvchilarga ta'sir qilishning yana bir usuli. Ular tanqidiy fikrlashni, kelishmovchilikni va o'z echimini topishga undash qobiliyatini rivojlantiradi. Rivojlanishdan tashqari, adabiyot bir qator kuchli hissiyotlarni keltirib chiqarishi mumkin. Yaxshi hikoya bir necha soat davomida o'quvchining e'tiborini tortishi mumkin, kitobga o'tirgandan zavq oladi. Kitobimiz qahramonlariga hamdardlik bildirmagan, ularning g'alabasi tarafdori bo'lgan, ularning irodasi va yuqori axloqiy tamoyillariga qoyil qolgan, adolatsizlikdan g'azablangan va hokazo. Kundalik hayotda xiralashgan bu tuyg'ularning barchasi, adabiyot odamlarga o'zlarining ulug'vorligini beradi. Adabiyot shuningdek, odamning ijodga bo'lgan ishtiyoqini anglashga yordam beradi. Biz katta hayotiy tajribamizni yoki biron bir masala bo'yicha o'z fikrimizni hikoya yoki kitob orqali bildirishimiz mumkin. O'zingizning asaringizni yaratish juda qiyin ish, ammo oxirida odamlar bu jarayondan katta zavq olishadi. Yuzlab odamlar hikoyalari o'qiydilar. Shunday qilib, muallif mutlaqo notanish o'quvchilarga ta'sir qiladi.

Foydaniilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Aizerman, L.S. Tushunish vaqti. Sovet davridagi rus adabiyoti muammolari. M.: МАКТАБ-РЕСС, 1997 yil.
2. М. Горький. Kitobda to'plangan asarlar. Hikoyani o'qish. 1923 yil.
3. Солженицын, А.С. Nobel ma'ruzasi. [Matn] / А. Солженицыннинг Nobel ma'ruzasi. 1972. 7-bet



ABDULLA AVLONIY-O'ZBEK PEDAGOGIKASINING YORQIN NAMOYONDASI

*Mahmudova O'Imasxon Nabijonovna
Namangan viloyati Norin tumani 11-sonli
umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va
adabiyot fani o'qituvchisi.
Telefon : 99 633 52 79*

Annotatsiya. Maqolada Abdulla Avloniyning ijodiy va pedagogik faoliyati haqida fikr yuritilgan. "Turkiy Guliston yoxud axloq" asarining bugungi kun o'zbek pedagogikasida tutgan o'rni, uning axloqiy-ta'limiy qarashlari, millat ravnaqi, vatan tuyg'usi aks ettirilgan ijod namunalari tahlil etildi. Ushbu asarning eng zarur paytda yaratilganligi, unda buyuk mutafakkirlarimizning ijod namunalari ta'sirida ibratli xulosalar keltirilganligi yoritilgan.

Kalit so'zlar: tarbiya, pedagogika, yaxshi xulq, yomon xulq.

*"Alhosil tarbiya bizlar uchun yo hayot, yo mamot, yo najot, yo halo
kat, yo saodat, yo falokat masalasidir".
(A. Avloniy)*

Mashhur o'zbek ma'rifatparvari, shoiri, va jamoat arbobi Abdulla Avloniy o'zbek pedagogikasi tarixida o'ziga xos o'ringa ega. Jadidchilik harakatining faol tashkilotchilaridan biri bo'lgan Avloniy 1904-yilda Toshkentning Mirobod mahallasida jadid maktabi ("usuli savtiya")ni, 1909-yilda kambag'al, yetim-yesirlarga yordam beruvchi "Jamiyati xayriya" uyushmasini tashkil etadi. 1905-1917-yillarda matbuotda qizg'in faoliyat olib bordi. Avloniy o'zi nashr etgan "Shuhrat" nomli gazetasi uning faoliyatini shunday baholagan: "Bir yoqdan milliy islohot uchun mafkura hozirlog'on, ikkinchi yoqdan el orasiga o'zgarish tuxmini sochg'on".

Abdulla Avloniy Turkistonda birinchilardan bo'lib maktabga geografiya, kimyo, handasa, fizika fanlari kiritilishiga ta'sir ko'rsatdi, ta'limni turmush bilan bog'lashga intildi, bir dars bilan boshqasi o'rtasida muayyan tanaffusni

bir sinfdan ikkinchisiga o'tishdagi imtihonni joriy etdi, ta'lim tizimining dunyoviy yo'nalishini kuchaytirishga alohida e'tibor berdi. Uning "Birinci muallim" ("Muallimi avval"), "Ikkinchi muallim" ("Muallimi soniy") nomli darsliklari, "Turkiy Guliston yoxud axloq", "Gulistoni maktab", "Adabiyot yoxud milliy she'rlar" kabi qo'llanmalari maktablarda o'qitilgan. XX asrning 30-yillarida 7-sinf o'qish xrestomatiyasini tuzib nashr ettirgan.

Shoir „Sadoyi Turkiston“ va „Ishtirokiyun“ gazetalari ishlaydi. Avg'onistonda elchi bo'lib faoliyat yuritadi. Turli o'quv yurtlarida, xususan umrining oxirgi yillarigacha O'rta Osiyo Davlat universitetida dars beradi. Abdulla Avloniyning Hijron, Nobil, Indamas, Shuhrat, Surayyo, Shapaloq, Chol, Ab, Chegiboy degan taxalluslari bo'lgan.

Abdulla Avloniyning „Turkiy guliston yoxud axloq“ asari o'zbek pedagogikasi va adabiyoti tarixida o'ziga xos o'ringa ega bo'lgan asar hisoblanadi. 1913-yilda yozilgan bu axloqiy-ta'limiy asar „Axloq“, „Tarbiya“, „Yaxshi xulqlar“, „Yomon xulqlar“ deb nomlangan qismlarga bo'linadi. Asar boshida muallif „Man xastayamu millatim o'lmish nega bemor?“ degan ritorik so'roq qo'ygan va asar davomida shu savolga javob berishga harakat qilgan. Asarning „Yaxshi xulqlar“ qismida 31 fazilatga ta'rif beradi. Diyonat, sa'y va g'ayrat, riyozat, shijoat, qanoat, sabr, nafs, vijdon, iffat, oliy himmatlik kabi axloqiy tushunchalar, zulm, nifoq, ta'ma, xasad, loqaydlik, g'iybat, xaqorat, uyatsizlik, chaqim-chilik kabi yomon xulqlar millat va vatan ravnaqiga e'tiborsizlik bilan bog'langan holda muhim ijtimoiy muammo sifatida talqin etilgan.

Asarda o'rni bilan hadislarga murojaat etgan, „Qur'oni karim“dagi ulug' falsafiy kalomlardan unumli foydalangan. Ayniqsa, Iskandar, Suqrot, Arastu, Aflotun, Ibn Sino, Mavlono Rumi, Shayh Sa'diy kabi tarixiy shaxslar bilan bog'liq rivoyatlar, naqillar, hikoyatlar asarni yanada ta'sirli bo'lishiga hissa qo'shgan. Asardagi quyidagi fikrlar o'quvchini har tomonlama yetuk qilib tarbiyalashga asos bo'la oladi:

„Din va e'tiqodi salomat bo'lmagan kishilar haqni botildan, foydani zarardan, oqni qoradan, yaxshini yomondan ayira olmas“.

„Sabr shunday bir kuchli narsadirki, shahvatni iffatga, g'azabni shijoatga, shiddatni hilmga, kattalikni tavozu'ga, yomonlikni yaxshilikga aylanturmakga quvvati yetar“.



„Qanoat bir xazinadirki, naqdinasi kundan-kun ortar”

„Kishi yurtida sulton bo‘lguncha, o‘z yurtida cho‘pon bo‘l” Shu o‘rinda vatan haqidagi „Har kim tug‘ilgan, o‘sgan yerini jonidan ortiq suyar. Hatto bu vatan hissi-tuyg‘usi hayvonlarda ham bor. Agar bir hayvon o‘z vatanidan-uyuridan ayrilsa, o‘z yeridagi kabi rohat-rohat yashamas, maishati talx bo‘lib har vaqt dilining bir go‘shasida o‘z vatanining muhabbati turar. Biz turkistonliklar o‘z vatanimizni jonimizdan ortiq suydigimiz kabi, arablar Arabistonlarini, qumlik, issiq cho‘llarini, eskimular shimol taraflarini, eng sovuq qor va muzlik yerlarini boshqa yerlardan ziyoda suyarlar. Agar suymasalar edi havosi yaxshi tiriklik oson yerlarga o‘z vatanlarini tashlab hijrat qilurlar edi” degan fikrlari o‘quvchini vatanni yanada sevishga undaydi.

Abdulla Avloniy asarda „Har bir millatning dunyoda borligini ko‘rsatadurg‘on oynai hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo‘qotmak mullatning ruhini yo‘qotmakdur”, -deb ham qayg‘uradi. Jaholatni aritadigan, jamiyatni yuksaltiradigan, millat o‘zligini tanitadigan maskan maktab ekanligini qayta-qayta ta’kidlaydi:

Maktabdur oftobi jahon saodating,
Maktabdur osmoni zamon sabovating...
Maktab u joyi dilkash shirin maqomdur,
Maktab behisht-u jannat, hur tabiating...

“Turkiy Guliston yoxud axloq” asari jadid maktablari iltimosiga ko‘ra yaratilgan bo‘lib, shakl, mazmun va qurilishiga ko‘ra fors adabiyoti buyuk namoyondasi Shayx Sa‘idiyning „Guliston” va „Bo‘ston” asarlariga monanddir. Asarning yozilishi sababini muallifning o‘zi shunday izohlaydi :

„...Turkiston maktablarida o‘z shevamizda yozilmish mukammal axloq kitobining yo‘qlig‘i afrodi millatning shunday bir asarga tashna va muhtoj ekanlig‘i o‘zum muallimlar jumlasidan o‘ldig‘imdan manga ham ochiq ma‘lum o‘ldi. Shuning uchun ko‘p vaqtlar tajriba so‘ngidan adibi muhtaram Shayx Sa‘diy usulida yozmoqni garchi og‘ir bo‘lsa ham o‘zumga muqaddas bir vazifa ado qilaroq bu kamchlikni oradan ko‘tarmakni munosib ko‘rdim”.

Avloniyning fikricha, har bir kishi bilim olmog‘i, ma‘rifatni qalbiga jo qilmog‘i, go‘zal axloq, ma‘naviy fazilatlar bilan bezanmog‘i lozimki, bular oxir oqibat milliy o‘zlikni tanishga, komil inson sifatlariga erishuvga olib keladi va shunday shaxslar kamol topgan jamiyatda vatan ravnaq topadi, xalq saodatga erishadi.

„Amerikaliklar bir dona bug‘doy ekub, yigirma qadoq bug‘doy olurlar. Ovrupolilar o‘zimizdan olgan besh tiyinlik paxtamizni kelturub, o‘zimizga yigirma besh tiyinga soturlar! Ammo biz osiyolilar xususan, Turkistonlilar dumba sotub, chandir chaynaymiz. Qaymoq berib sut oshiyimiz, non o‘rniga kesak tishlaymiz!” degan fikrlar ulug‘ adibning asr boshidayoq vatan ravnaqi uchun nechog‘lik chuqur va teran mushohada yuritganini ko‘rsatib turibdi.

Avloniy ijodida ilm-ma‘rifat, vatan ravnaqi mavzulari yetakchilik qiluvchi she‘rlar ham talaygina. „Tog‘lardan bir manzara” she‘rida ham yuqoridagi fikrlar o‘z isbotini topgan:

Har bir millatning taraqqiysi ilm ila,
Nodon xalqning ko‘z yoshi marjon emish...
Kecha-kunduz bizlar dardu mehnatda,
Ilm ila yevrupolik xandon emish.
Nonimizni teva qilib berurlar,
Bizlar xo‘p befarosat, nodon emish.

Abdulla Avloniy ijodiy merosi o‘zbek milliy she‘riyati, maorifi, adabiyotshunosligi rivoji uchun asrlar davomida eng zarur manba bo‘lib qoladi. Zero, uning asarlari buyuk allomalar g‘oyalari bilan boyitilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. B.Qosimov, Q. Yo‘ldashev, V.Qodirov. Adabiyot (umumta‘lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik). -T. SHarq, 2009.
2. T. Boboyev. Adabiyotshunoslikka kirish kursi bo‘yicha metodik qo‘llanma. -T. O‘qituvchi. 1979.
3. S. Ahmedov, B. Qosimov, R. Qo‘chqorov. Adabiyot (umumiy o‘rta ta‘lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik). -T. Sharq, 2011.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(8-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000